

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ МАМЛАКАТ ХАЛҚАРО ИМИДЖИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МУҲИМ СИЁСИЙ ОМИЛИ СИФАТИДА

Бердиев Бектош Охнорович,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси Халқаро муносабатлар ва ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори – PhD

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7489421>

Аннотация. Жаҳон миқёсда тобора обрўси юксалиб бораётган Ўзбекистоннинг халқаро имиджини юксалтиришининг сиёсий масалаларини тадқиқ қилиш ва бу борада таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги кун сиёсий фанларининг ҳам муҳим йўналишига айланди. Зеро, жаҳон ҳамжамияти кўз ўнгидеда жадал ривожланаётган, инвонпарвар ва демократик образи яратилган мамлакатина катта сиёсий ва иқтисодий муваффақиятларга эришади. Дунёдаги кўп давлатлар тараққиётга ҳам айнан ўзининг имиджини юксалтириши орқалигина эришганлиги, бу ҳолат мамлакатнинг кучи ва қудрати тимсоли сифатида намоён бўлаётганлигини, шунингдек, бундай стратегик вазифаларни амалга ошириш йўлида Ўзбекистон олдида турган муҳим масалалар мақолада ёритилган. Мамлакатнинг халқаро ҳамжамият ва жаҳон жамоатчилиги томонидан ижобий қабул қилиниши бу унинг имидж муваффақиятини таъминлаш демакдир.

Калим сўзлар: имидж, сиёсат, сиёсий вазифалар, стратегия, мамлакат имиджи, давлат имиджи, халқаро имидж, жаҳон ҳамжамияти, геосиёсат, муваффақият, юксалиш, ижобий образ.

DEVELOPMENT STRATEGY OF THE NEW UZBEKISTAN AS AN IMPORTANT FACTOR OF IMPROVING THE INTERNATIONAL IMAGE OF THE COUNTRY

Abstract. The study of political issues of improving the international image of Uzbekistan in the context of the rise of its authority on a global scale and the development of proposals and recommendations on the same issues has become an important area of today's political science. Thus, only those countries will achieve political and economic success that have created a rapidly growing, humane and democratic image before the eyes of the world community. The article analyzes such issues as many states of the world have developed by improving their image, it is presented as the strength and potential of the country, as well as important issues facing Uzbekistan in the implementation of strategic tasks in this direction. The positive perception of the country by the world community is the guarantee of image success.

Key words: image, politics, political tasks, strategy, image of the country, image of the state, international image, world community, geopolitics, success, increase, positive image.

СТРАТЕГИЯ РАЗВИТИЯ НОВОГО УЗБЕКИСТАНА КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ МЕЖДУНАРОДНОГО ИМИДЖА СТРАНЫ

Аннотация. Исследование политические вопросы повышения международного имиджа Узбекистана в условиях подъема его авторитета на мировом масштабе и разработка предложения и рекомендаций по этим же вопросам стало важным направлением сегодняшней политологии. Так, только те страны добьются политических и экономических успехов, которые создали перед глазами мирового сообщества быстрорастущей, гуманный и демократический образ. В статье анализируются такие вопросы, как многие государства мира развивались путем повышения своего имиджа, оно представляется как сила и потенциал страны, а также, важные вопросы, стоящие перед

Ўзбекистаном в реализациях стратегических задач по этому направлению. Положительное восприятие страны мировым сообществом и есть обеспечение имиджевого успеха.

Ключивые слова: имидж, политика, политические задачи, стратегия, имидж страны, имидж государства, международный имидж, мировое сообщества, геополитика, успех, повышение, положительный образ.

КИРИШ

Янги Ўзбекистоннинг халқаро майдонда ўз обрўсига эга бўлиши унинг инвестицион жозибадорлиги ортишининг ҳам асосий шартларидан бири эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Жаҳон ҳамжамияти онгу-фикрида, қарашларида ижобий образи яратилган мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий позицияси ҳам юқори бўлади ва у амалда исботланган. Жаҳоннинг аксарият давлатлари асосий мақсадларидан бири ҳам айнан шу эканлигини алоҳида эътироф этмоқ жоиз. Чунки, бугунги кунда дунё миқёсида давлатнинг қудрати ва салоҳияти фақатгина унинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш салоҳиятигагина боғлиқ эмас. Энг асосийси давлатнинг халқаро ҳамжамият ва жаҳон жамоатчилиги томонидан қабул қилинишидир.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Давлат ва мамлакатнинг имиджи масаласи жуда қадим замонларга бориб тақалиши билан бир қаторда, унинг фан сифатида шаклланиши асосан XX асрнинг 30-йилларида фанга киритилган. Бу борада Зигмунд Фрейд ва америкалик олим Кеннет Болдуингларнинг илмий ижоди катта қизиқиш ўйғотади. З. Фрейд томонидан мазкур мавзуда махсус журнал чоп этилган бўлса, Кеннет Боулдинг томонидан “имидж” термини илмий соҳага киритилган. Шунингдек, дунё миқёсида имидж масаласида таниқли олимлардан С.Агарвал ва С.Сикрилар томонидан 1996 йилда чоп этилган “Country image: consumer evaluation of product category extensions” (Мамлакат имиджи: ишлаб чиқарилган маҳсулотни баҳолашнинг кенгайиши) номли мақола бу борадаги жуда катта илмий тадқиқотлардан бири ҳисобланади. Бундай тадқиқотлар қаторида С.Анхолтнинг 2007 йилда чоп этган “Competitive Identity. The New Brand Management for Nations, Cities and Regions” (Ўзлик рақобати. Мамлакатлар, шаҳарлар ва ҳудудлар учун бренд менежменти), П.Макмиллан, Б.Хэмпшир ва Ж.Д.Мартин лар ҳамкорликда 2004 йилда ёзган “Factors influencing destination image” (Бошланиш нуқтасидаги имиджга таъсир кўрсатадиган омиллар) номли мақолларида давлат ва мамлакатнинг имиджи, унинг шаклланиш жараёнлари ва уларга таъсир кўрсатадиган омиллар чуқур таҳлил қилинганлигини кўришимиз мумкин. Бундан ташқари, кўплаб олимлар ва мутахассислар ҳам борки, улар томонидан имидж масалаларининг ёритилишини биргина мақола билан кўрсатиб бериш ниҳоятда мушкулдир.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мақолада, сиёсий фанлар соҳасида кенг қўлланиладиган тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил ва бихевиористик методлардан кенг фойдаланилган ва ушбу методлар мақоланинг илмийлик даражаси ортишининг асосий омили бўлиб хизмат қилган.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистоннинг бугунги халқаро имиджи тобора юксалиб бораётганлигини дунё миқёсида кўплаб экспертлар, сиёсатчилар ва олимлар томонидан алоҳида эътироф этилмоқда. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида ўз аксини

топган бўлиб, унда “Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон сиёсати марказларидан бирига айланаётгани, халқаро ҳамжамият бунинг кенг эътирофи этаётгани ҳам аниқ ҳақиқатдир. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Туркий давлатлар ташкилоти саммитлари ҳамда ўнлаб юқори даражадаги халқаро анжуманларга мезбонлик қилдик ва муҳим ташаббусларни илгари сурдик. Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг халқаро нуфузи тобора ортиб бораётганидан далолат беради” дея эътироф этилган[1].

Халқаро муносабатларда алоҳида субъект сифатидаги давлат бўлганлигимизга ҳам мана 31 йил тўлиш арафасида турибмиз. Мамлакатимизни дунёга танитиш, унинг ижобий қиёфасини ва образини шакллантириш, халқаро имиджини юксалтириш борасида кўплаб ишлар қилинди ва бу йўналишдаги ҳаётий муҳим вазифалар давом этмоқда.

Айниқса, сўнгги 5-6 йил давомида дунё Ўзбекистонни “демократик руҳи тобора юксалаётган, мажбурий меҳнат тугатилган, инсон ҳуқуқлари кафолатланаётган, сўз ва эътиқод эркинлиги борасида катта силжишларни амалга оширган давлат” сифатида қайтадан кашф эта бошлади[2]. Бундай муваффақиятларга эришиш осон бўлгани йўқ албатта. Мамлакатнинг Президенти вазифасини бажарувчи сифатида иш бошлаган Шавкат Мирзиёев ўз раҳбарлигининг илк кунларидан бошлаб, гарчи, ўша давр учун биров хатарли ёки тасаввур қилиб бўлмас даражада мураккаб бўлсада, ички ва ташқи сиёсатда туб ўзгаришларни амалга оширишга киришган эди. Хатарли дейишимизга асосий сабаб, узок йиллар давомида шаклланган, маълум бир мустаҳкам “қолипга тушган” элитанинг қаршилигини енгиб ўтиш, иккинчидан, ташқи хавф-хатарлар соясида ўта нозик дипломатия олиб бориш масъулияти ҳам айнан ўша даврга тўғри келар эди. Бутун дунёнинг диққат билан кузатиши, йўл кўйилиши эҳтимоли бўлган хатоларни зимдан “пойлаши”, геосиёсий мураккабликларнинг тобора ортиб бориши шароитида мамлакат Президентининг ва Ўзбекистоннинг халқаро имиджи бир йил ичида шиддат билан ўзгарди ва умумжаҳон миқёсда бу ҳолат дунёнинг кўплаб экспертлари, сиёсатчилари томонидан кенг эътироф этила бошланди[3].

Мамлакат қисқа вақт оралиғида жаҳоннинг энг қудратли давлатлари томонидан ҳурмат билан тилга олина бошланди ва бунинг ёрқин мисоли сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг кўплаб давлатларга, жумладан, Туркменистон, Қозоғистон, Хитой, Россия, Саудия Арабистони, АКШ, Туркия, Корея Республикаси, Тожикистон, Ҳиндистон, Франция, Германия, Бирлашган Араб Амирликлари, Беларусь, Япония каби давлатларга олий даражадаги хорижий турнеларни амалга оширганлиги, уларнинг баъзиларига бир неча бор амалий, расмий ва давлат ташрифлари билан борганлиги, энг асосийси ҳар бир ташриф давомида юксак ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олинганлигини, Ўзбекистондаги ислохотлар ҳар томонлама қизиқиш билан кузатилаётганлиги, олқишланиши эътироф этилди. Дастлабки беш йилликдаги “Ҳаракатлар стратегияси” мамлакат ташқи сиёсий обрўси ва халқаро имиджи юксалишининг муҳим босқичи бўлди дейиш мумкин. Юқорида келтириб ўтганимиздек, жаҳон Ўзбекистонни бошқача қиёфада таний бошлади ва унга монанд муносабат шакллана бошлади.

Мамлакатда қабул қилинган “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да[4] ҳам айнан мамлакат имиджини юксалтириш билан боғлиқ вазифаларнинг, аниқроғи мақсадларнинг белгилаб олинганлиги эса бу борада сиёсий вазифаларни давом эттириш ва халқаро майдонда Ўзбекистоннинг позициясини мустаҳкамлаш борасидаги стратегик ишларни жадаллаштириш масъулиятини юклармоқда.

Жаҳонда содир бўлаётган турли тенденцияларни таҳлил қилиш ва кузатиш асносида ишлаб чиқилган мақсадлар ва вазифаларни оқилона йўналтириш, дунё бўйича бу борада катта ютуқларни қўлга киритган давлатлар тажрибасидан кенг ва самарали фойдаланиш ҳам истиқболли эканлигини қайд этмоқ лозим. Ўзбекистоннинг имиджини жаҳон саҳнасида илгари суриш, амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги ислохотларнинг самарадорлигини, жамиятни демократик янгилаш борасидаги ишларни холис ёритиш нафақат сиёсатчиларнинг, балки олимларнинг ҳам асосий мақсадларидан бирига айланиши лозим.

Юқорида таъкидлаганимиздек, “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” ва унда белгиланган вазифалар нафақат мамлакат имиджини юксалтирувчи омил сифатида, балки унинг фаровонлигини юксалтирувчи, халқаро ҳамжамиятнинг муҳим иштирокчисига айлантирувчи, жаҳон айвонида Ўзбекистоннинг маданиятини ва миллий анъаналаримизни кенг оммалаштириш, тарғиб қилишга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Халқаро имиджни юксалтиришнинг иқтисодий, маданий, санъат, туризм ва ишлаб чиқариш билан бир қаторда, сиёсий масалаларини ҳам белгилаш, уни такомиллаштириш зарурати ҳар қачонгиданда долзарб. Зеро, жаҳон Ўзбекистонни фақатгина серкуёш улка, қадим маданиятнинг меъросхўри, маънавияти бой халқ, қадим осори-атиқлар жуда кўп, туристик салоҳияти ривожланаётган, каттадан-катта майдонларида пахта етиштириладиган, меҳмондўст миллатлар ва элатлар яшайдиган юрт сифатидагина таниши шарт эмас.

Бугунги Ўзбекистонни дунё жадал сиёсий ислохотларни амалга ошираётган, самарали ички ва ташқи, минтақавий сиёсат олиб бораётган, дастлаб собиқ мустабид тизимни, кейин эса ўзининг 25 йиллик мустақиллик давридан меърос қолган катта мураккабликларни бартараф этишга бел боғлаган ва катта натижаларга эришаётган замонавий давлат сифатида таниши ўта муҳим. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Бугунги кунда Ўзбекистон ўзининг географик жойлашувига кўра, Шимол ва Жанубни, Ғарб ва Шарқни магистрал транзит коридорлари орқали боғлаб турадиган Марказий Осиё минтақасининг ўзаги ҳисобланади. Биз “Буюк ўтмишдан – буюк келажак сари” тамойили асосида иқтисодий-ижтимоий ривожланишимизни жадал давом эттирмоқдамиз”**[5].

Бунинг вазифалар ўзи бўлмади албатта. Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифалар билан бир қаторда, мамлакат халқаро имиджини юксалтиришнинг сиёсий жиҳатлари албатта ҳисобга олиниши, ушбу йўналишда эса кўплаб ишлар қилиниши лозимлигини англаб етмоғимиз лозим. Мамлакат имиджи устида ишлайдиган имиджмейкер кадрлар тайёрлашдан тортиб, то бугунги кун замон талабларига жавоб бера оладиган раҳбар кадрлар етиштириш, сиёсий ислохотларнинг самарадорлигини оширадиган дастурлардан тортиб, давлат қудратини, обрўсини юксалтирадиган тузилмалар фаолиятини такомиллаштиришгача бўлган вазифаларга катта аҳамият қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

Афсуски, бу борадаги ишларимизни ҳали кўнгилдагидек дейиш биров қийин. Сабаби, турли ахборот ресурслари ва ижтимоий тармоқларда давлат бошқарув органлари ва турли бўғин тизимларида ишлаётган раҳбар кадрлар ва бошқарувчилар томонидан йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар, баъзи масалалардаги калтабинлиги ёки коррупция

ҳолатлари мамлакат халқаро имиджига жуда катта салбий таъсир кўрсатмоқда. Зеро, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар нафақат мамлакат жамоатчилиги, балки халқаро медиа маконда ҳам жадал ёритилмоқда ва юқоридаги хато ва камчиликлар Ўзбекистон давлатининг имиджига салбий таъсир кўрсатиши билан бир қаторда, хорижий ҳамкорлик алоқаларини кучайтиришга ҳам зарар етказмоқда.

Шунинг учун ҳам мамлакат сиёсий тизими ва соҳадаги юз бераётган камчиликларни бартараф этиш юзасидан мавжуд муаммоларни ўрганиш, уларни тузатиш ҳамда сиёсий ислохотларнинг самарадорлигини ошириш, раҳбар ва бошқарувчи кадрларнинг профессионаллигини ва сиёсий савиясини юксалтириш масалалари ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Ўрни келганда шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, бугунги кун кўплаб раҳбар кадрларнинг камчилиги – бу уларда омма ёки жамоа олдида гапира олиш салоҳиятининг ўта пастлиги, тадбирларда ёки мажлисларда аудиторияни зерикашига сабаб бўладиган узундан-узун маърузаларни қоғозга қараб ўқиб беришида ҳам намоён бўлмоқда.

Шунингдек, ОАВ билан ишлаш кўникмаларига эга эмаслиги, оддий интервью беришни ҳам эплай олмаслиги сингари камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Бундан ташқари, баъзи туманлар ҳокимлари томонидан Фейсбук ижтимоий тармоғида очилган саҳифаларни кўрсангиз, бўлиб ўтаётган “зерикарли” тадбирларнигина ёритиш билан чекланиб қолаётганлиги ва ушбу хабарларни фақатгина санокли одамлар томонидан ўқиётганлигини кўришимиз мумкин. Қизиқарли статистик маълумотлар, ҳудудни ривожлантириш бўйича таклифлар ва унга халқнинг муносабатини ўрганиш, муаммоли масалаларнинг ечими борасида нималар қилиш лозимлиги ва ҳоказолар ҳақида асло гап йўқ. Демак, раҳбарлар учун ахборот сиёсатининг замонавий тенденцияларини, улардан самарали ва креатив фойдаланиш услубларини ўргатиш ҳам бугунги куннинг долзарб масалалари сифатида майдонга чиқмоқда.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистондаги сиёсий ўзгаришларни қизиқиш ва олқишлар билан қузатаётган халқаро ҳамжамият кўз ўнгида аҳолининг сиёсий фаоллиги ортиб бораётганлиги, уларнинг талаб ва эҳтиёжлари ҳам тараққиётга монанд тарзда ўсаётганлиги шароитида, давлат сиёсатининг, айниқса, раҳбар кадрларнинг иш услуби ушбу ўзгаришларга адекват жавоб бериши ҳам давлат имиджи соҳасининг муҳим қисмига айланиб улгурди.

Маълумки, мамлакатнинг халқаро имиджини юксалтириш масаласи давлатнинг стратегик вазифаларидан экан, халқаро ҳамжамият томонидан мамлакатнинг қандай кўз билан кўрилиши ва қаралиши, шунингдек, унга нисбатан муносабати давлатнинг тараққиётини, фаровонлигини, нуфузини белгиловчи омиллардандир. Ҳар қандай давлатнинг ташқи дунёдаги эътирофи унинг халқаро муносабатлари ривожланишининг ҳам муҳим омили эканлигидан келиб чиқандиган бўлсак, бу ҳолат ҳам табиий. Аксарият ҳолларда давлатларнинг халқаро майдондаги имиджи, обрўси ва нуфузига путур етказмасликка ҳаракат қилади ва уларга монанд ҳолда, ҳам ички ва ташқи сиёсий ислохотларини, курсини доимий ривожлантиришга, самарадорлигини оширишга ҳаракат қилади. “Халқаро ҳамжамият эса ушбу имиджга, давлатнинг қудратига, салоҳиятига қараб у билан барча соҳалардаги муносабатларни, алоқаларни ривожлантиришга ҳаракат қилади”[6].

Лекин, алоҳида қайд этиш лозим бўлган жиҳатлар ҳам борки, бу ҳам бўлса, давлатнинг халқаро майдондаги имиджини юксалтириш билан боғлиқ жараёнлар осонлик

билан амалга оширилмаслигидир. Айниқса, бугунги кунда ер куррасида терроризм ва экстремизмга қарши кураш масалалари долзарблашиб бораётган, ғарб томоннинг ахлоқсизликни тарғиб қиладиган маданияти устунлик қилишга ва суқилиб киришга ҳаракат қиладиган шароитда учинчи дунё мамлакатларига нисбатан ахборот хуружлари ва босимлари тобора ортиб бормоқда. Ҳали ўз имиджига эга бўла олмаган, ўз позициясини мустаҳкамлай олмаган давлатлар эса бундай босимларга қарши тура олмадлиги, ахборот босимлари остида ўзини йўқотиб қўйиши ҳам табиий. Фақатгина ўз ижобий имиджини ярата олишгина унинг рақобатбардошлилигини орттириш билан бирга, турли хавф-хатарларга ҳам қарши кураша олиш салоҳиятини юксалтиради.

Ўтган даврда, яъни Ҳаракатлар стратегияси даврида сиёсий ислохотларнинг жадал босқичида халқаро ҳамжамият кўз ўнгида Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини, имиджини яратиш борасида кўплаб самарали ишлар амалга оширилганлигини, бу жараёнларда Ўзбекистоннинг янги мазмундаги сиёсати шаклланаётганлигини, демократия, замонавий бозор иқтисодиётига асосланган тузумни, ҳуқуқий ва дунёвий жамият қуриш йўлидан олға интиладиганлигини кўрсата олган эдик. Аммо, айнан мамлакат имиджини юксалтиришнинг зарурий илмий-концептуал, ахборий-методологик жиҳатларини тўлиқ ўзлаштирган, бу борада кўплаб илмий ва методологик ечимларни тақдим қила оладиган мутахассисларнинг камлиги боис олдинга қўйилган вазифаларни тўлиқ амалга оширдик дея олмаймиз.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистонни халқаро майдонда обрўсизлантиришга бел боғлаган кучлар ҳам қараб турмаганлигини, улар томонидан кенг қўламли ахборот фаолияти тобора кучайтирилганлигини, асосийси, бу жараёнлар борган сари кенгайиб бораётганлигини қайд этмоқ лозим. Бунга ҳамоҳанг тарзда Ўзбекистоннинг рақобатчилари ҳам қўл қовуштириб ўтирмаганлиги, улар томонидан юқорида келтириб ўтилган кучларни қўллаб-қувватлаш учун каттадан-катта ресурслар ва куч сарфланаётганлигини ҳам алоҳида қайд этиб ўтмоқ жоиз.

Шуни алоҳида қайд этмоқ лозимки, халқаро майдонда алоҳида қудратли давлатлар, халқаро ташкилотлар томонидан мамлакатимиз борасида қабул қиладиган қарорлари айнан Ўзбекистонни халқаро майдонда обрўсизлантиришга бел боғлаган кучларнинг мақсадли фаолиятлари ҳам ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилишини сиёсий жиҳатдан англаб етмоғимиз лозим. Ўша кучлар томонидан мамлакатимиздаги ислохотларга бериладиган “баҳолар” нафақат халқаро ҳамжамият онгига, балки мамлакатимиз ичидаги одамларнинг онгу-шуурига ҳам кучли салбий таъсир кўрсатишини алоҳида қайд этиш лозим. Бу ҳолат айниқса, халқаро ҳамкорларнинг Ўзбекистонга нисбатан муносабатларига таъсир кўрсатиш билан бир қаторда, мамлакатнинг салбий имиджи яралишига ва жаҳон миқёсидаги туристик, сиёсий, иқтисодий манфаатларига ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Хорижий инвестицияларнинг қисқаришига, молиявий-техник ёрдамларнинг камайишига, мамлакатдан капиталларнинг чиқиш кетишининг тезлашишига сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Дунё миқёсида рўй бераётган молиявий ресурслар, инвестициялар ва технологиялар учун глобал рақобат шароитида мамлакатнинг имиджи масаласи бу борада курашларда енгиб чиқишнинг асосий омилларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада эса кўплаб мамлакатларнинг тажрибаларидан фойдаланиш, давлат ўз имиджини юксалтириш орқали сиёсий, иқтисодий, молиявий ва инвестициявий ресурсларни қўлга киришини илмий асослаш ҳам бугунги кун фанларининг олдидаги муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда сўнги йилларда амалга ошаётган фаол демократик ўзгаришлар жаҳон ахборот майдонида долзарб аҳамият касб эта бошлади. Бунинг ортидан, мамлакатнинг имиджи ҳам юксалмоқда. Аҳолининг сиёсий маданияти ва дунёқараши ҳам жаҳон миқёсида рўй бераётган ўзгаришларга мослашиб, Марказий Осиё минтақасида ҳам Ўзбекистоннинг очиклик сиёсати ҳам давлатлар ва ҳам жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Энг асосийси, асосий савдо-иқтисодий шериклар дунёқарашида Ўзбекистоннинг имиджи том маънода юксалаётганлигини кузатиш мумкин. Бу борада дунёвийлик тамойиллари асосида ривожланиш, ўзаро яқин қўшничилик, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик, ҳар қандай масалани ўзаро дипломатик йўллар билан ҳал қилишга қаратилган ташқи сиёсат муҳим роль ўйнамоқда.

Айниқса, минтақа давлатлари билан алоқаларни ривожлантириш, 25 йиллик давр мобайнида вужудга келган “музликни эритиш” учун амалга оширилган Ўзбекистон катта сиёсий дивидентларни ҳам тақдим қилганлигини кўрдик. Демак, айтиш мумкинки, “ижобий имидж мамлакатга иқтисодий имкониятлар беради. Мисол учун, истеъмолчилар маълум бир мамлакатларда яратилган маҳсулотлар, яъни Японияда ишлаб чиқарилган электроника маҳсулотлари, Италияда тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари, Германияда ишлаб чиқарилган автомобиллар учун қиммат нарх тўлайдилар”[7].

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Янги Ўзбекистон ғояси илгари сурилаётган ва мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузи мустаҳкамланиб бораётганлиги шароитида Ўзбекистоннинг давлат имиджини юксалтириш борасидаги вазифаларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан сиёсий ислохотларнинг, ўзгаришларнинг ташкилий асосларига ҳам боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бунинг учун эса, кечиктириб бўлмайдиган вазифалар қаторида, мамлакат олдида имидж соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш ва улардан самарали фойдаланиш, сиёсий таҳлиллар ва прогнозлар ишлаб чиқиш бўйича кенг кўламли тадқиқотлар олиб боришни рағбатлантириш, мамлакатнинг сиёсий муваффақиятини таъминлайдиган кадрлар сиёсатини янада такомиллаштириш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришни таъминлайдиган институтларни ҳар томонлама тараққий эттириш сингари стратегик ишларни жадал олиб боришни тақазо этади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 20.12.2022.
<https://president.uz/uz/lists/view/5774>
2. Ўзбекистон 15 йил деганда илк бор «қора рўйхат»дан чиқарилди. Ўзбекистоннинг АҚШдаги Элчихонаси маълумотида кўра, 2020 йил 28 апрель куни АҚШнинг Халқаро диний эркинликлар бўйича комиссияси (USCIRF) 2019 йилда дунёда эътиқод эркинлиги ҳолати баҳоланган навбатдаги ҳисоботини эълон қилди.
<https://www.xabar.uz/jamiyat/ozbekiston-qora-royxatdan>.
3. Мнение зарубежных экспертов. <https://isrs.uz/ru/xorijiy-ekspertlar-fikri>, Эксперты Узбекистана и Норвегии обсудили возможные направления двустороннего взаимодействия. <https://nuz.uz/obschestvo/1216012-eksperty-uzbekistana-i-norvegii-obsudili-vozmozhnye-napravleniya-dvustoronnego-vzaimodejstviya.html>, Эксперты об Узбекистане: геополитический лидер и заслон от экстремизма.

- <https://ria.ru/20160903/1476008920.html>. Международные эксперты: Узбекистан может ускорить экономический рост за счет стратегических инвестиций в образование. <https://uzdaily.uz/ru/post/61440>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги 60-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>
 5. Инвесторлар учун қулай ва жозибадор шароит яратишга қаратилган амалий ишларимизни янада жадаллаштирамиз. 24.03.2022. <https://president.uz/uz/lists/view/5077>
 6. Харбих С.К. Международный имидж государства. Факторы формирования. <file:///C:/Users/User/Downloads/mezhdunarodnyu-imidzh-gosudarstva-factory-formirovaniya.pdf>
 7. Бахтиёр Эргашев о том, зачем Узбекистану позитивный внешний имидж и из чего он складывается. <https://repost.uz/image-importance>